

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Ёшлар сиёсати ва спорт
вазири



А.Икрамов

61 2 2023 йил

“КЕЛИШИЛДИ”

Ўзбекистон Республикаси
Олий таълим, фан ва
инновациялар вазири

Ю.Р.М.

И.Абдурахмонов

09 2023 йил



**“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида
олий таълим муассасалари талабалари ўртасида
оммавий спорт мусобақаларини ўтказиш тартиби
бўйича янги таҳрирдаги**

НИЗОМ

Тошкент 2023 йил

**“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида олий таълим муассасалари
талабалари ўртасида оммавий спорт мусобақаларини ўтказиш тартиби
бўйича янги таҳрирдаги
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом спортнинг **мини-футбол, стол тениси, волейбол, енгил атлетика, стритбол** турлари бўйича Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида оммавий спорт мусобақаларини (кейинги ўринларда - мусобақа) ўтказиш мақсади ва асосий вазифалари, спорт мусобақаларини ташкил этиш ва бошқариш, уларни ўтказишга раҳбарлик қилиш, молиялаштириш, шунингдек, мусобақа ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш тартибини белгилайди.

II. Спорт мусобақаларининг мақсад ва вазифалари

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” 67-мақсадида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган фуқароларнинг сонини ошириш, таълим муассасалари талабаларини спорт тадбирларига кенг жалб қилиш, улар ўртасида мусобақалар ташкил қилиш, спорт инфратузилмасини яхшилаш ва зарур спорт инвентарлари билан жиҳозлаш, талабаларнинг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш, олий таълим муассасаларида спорт секциялари ва тўгараклари фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, талабаларнинг бўш вақтларида спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш вазифалари ижросини таъминлашдан иборат.

3. Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларни оммавий тарзда спорт билан мунтазам равишда шуғулланишлари учун механизм яратиш.

4. Олий таълим муассасалари талабаларини спорт ва соғлом турмуш тарзига бўлган ижобий муносабатни ривожлантириш мақсадида ҳудудларда оммавий спорт мусобақаларини ўтказиш орқали талабалардан иборат жамоаларни шакллантириш.

III. Спорт мусобақаларини ўтказиш тартиби

5. Мусобақалар Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар ўртасида спортнинг **мини-футбол, стол тениси, волейбол, енгил атлетика, стритбол** турлари бўйича тўрт босқичда ўтказилади.

6. Мусобақалар қўйидаги муддатларда тўрт босқичда ўтказилади.

1-босқич: гурухлараро факультет босқичи - 2023 йил **21 сентябрь 28 сентябрь** кунлари олий таълим муассасасининг факультетларида таҳсил олаётган турли босқичдаги гуруҳлар ўртасида ўтказилади, ғолиб бўлган жамоа мусобақанинг **кейинги босқичида** иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

2-босқич: факультетлараро университет(институт) босқичи - 2023 йил **5 октябрь - 12 октябрь** кунлари олий таълим муассасидаги факультетлар ўртасида ўтказилади, факультетлараро мусобақада ғолиб бўлган жамоалар учинчи босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

3-босқич: Университет (институт)лараро худудий босқич - 2023 йил 19 октябрь – 26 октябрь кунлари Қарақалпогистон Республикаси, вилоялар ва Тошкент шаҳри кесимида ҳудудлардаги олий таълим муассасалари ўртасида ташкил этилади ва унда ҳар бир спорт тури бўйича ғолиб бўлган жамоалар **тўргинчи босқичда иштирок** этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Истисно тариқасида, **Тошкент шаҳрида** мавжуд олий таълим муассасалари сони **92 тани** ташкил этиши муносабати билан **4 та гурӯхга** бўлинган ҳолда мусобақалар ташкил этилади. Бунда ҳар бир гурӯхда ғолиб бўлган жамоалар **тўргинчи босқичда** иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

4-босқич: Республика финал босқичи - 2023 йил 2 ноябрь - 5 ноябрь кунлари ҳудудий босқичда ғолиб бўлган жамоалар ўртасида ташкил этилади.

IV. Спорт турлари бўйича мусобақаларни ташкил этиш, иштирокчилар сони ва ўтказиш тартиби

Мини футбол

7. Мини футбол бўйича мусобақалар Ўзбекистон Футбол ассоциацияси томонидан тасдиқланган мини-футбол бўйича мусобақа қоидалари асосида ўтказилади. Республика финал босқичида жамоалар сонидан келиб чиқиб гурӯхларга бўлинган ҳолатда ўтказилади.

Мусобақада ҳар бир жамоадан **7 нафар ўсмири** (5 нафар асосий таркиб ва 2 нафар захира), делегация таркибига 1 нафар мураббий ҳамда 1 нафар жамоа раҳбари киртилилади. Ўйин вақтида 2 нафар футболчи, 1 нафар мураббий ва 1 нафар жамоа раҳбарига захира ўриндиғида бўлишига рухсат берилади.

Стол тениси

8. Стол тениси бўйича мусобақалар Ўзбекистон Стол тениси федерациясининг амалдаги қоидалари асосида ўтказилади. Ҳар бир жамоада **1 нафар ўсмири** ва **1 нафар қизлар** иштирок этади.

Мусобақа яккалик баҳсларидан иборат. Ўйинлар олимпия дастури (плей офф) тизимида ўтказилади. Мағлуб бўлган иштирокчи мусобақани тарк этади.

Волейбол

9. Волейбол бўйича мусобақалар Ўзбекистон Волейбол федерациясининг амалдаги қоидалари асосида ўтказилади. Мусобақанинг республика финал босқичларида жамоалар сонидан келиб чиқиб гурӯхларга бўлинган ҳолатда ўтказилади.

Мусобақада ҳар бир жамоада **7 нафар ўсмири** ва **7 нафар қизлар** (6 нафар асосий таркиб, 1 нафар захира) иштирок этади. Делегациялар таркибига 1 нафар мураббий ҳамда 1 нафар жамоа раҳбари киртилиади.

Мусобақа 3 та партиядан иборат бўлиб, 2 та ютуқгача ўйналади.

Енгил атлетика

10. Мусобақа Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалдаги енгил атлетика қоидалари асосида ўтказилади.

Мусобақалар қўйидаги шаклларда ташкил этилади:

Жамоавий тарзда (аралаш усулда эстафета) 2 нафар ўсмир ва 2 нафар қизлар 4x100 метр масофага эстафета шаклида ўтказилади. Жамоа таркиби 4 нафар: 2 нафар ўсмир ва 2 нафар қизлар.

Стритбол

11. Мусобақалар Ўзбекистон баскетбол федерациясининг амалдаги қоидалари асосида ўсмир ва қизлар ўртасида ўтказилади.

Ўйинлар 3 x 3 стритбол қоидаларига асосан ўтказилади.

Мусобақада ҳар бир жамоада **4 нафар ўсмир ва 4 нафар қизлар** (3 нафар асосий таркиб, 1 нафар захира) иштирок этади. Делегациялар таркибига 1 нафар мураббий киритилади.

Ўйинлар баскетбол майдонининг teng ярмида 1 та халқада ўтказилади. Узок масофадаги (6.75 метрлик) чизиқдан ташқарисидан халқага туширилган тўп учун 2 очко, бошқа масофадан ҳар қандай вазиятда ҳамда жаримадан туширилган тўп учун 1 очкога тенг бўлади.

Ўйин давомидаги белгиланган вақт тугашидан олдин 21 очко тўплаган жамоа ғолиб хисобланади ва ўйин тўхтатилади.

V. Спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказишга раҳбарлик қилиш

13. Мусобақалар спорт турлари бўйича амалдаги қоидалар асосида ҳакамлар хайъати томонидан ўтказилади.

14. Мусобақанинг ҳудудий босқичларига спорт турлари бўйича ҳакамлар таркиби Ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармаси ва Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси томонидан шакллантирилди ҳамда тасдиқланади. Республика финал босқичига Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан шакллантирилди ва тасдиқланади.

15. Мусобақада олий таълим муассасаси буйруғи асосида расмий таҳсил олаётган талабалар иштирок этади.

Мусобақада олий таълим муассасасида талаба бўлмаган иштирокчи аниқланса, шу заҳоти унинг натижалари бекор қилинади ва мусобақадан четлаштирилади.

16. Бир иштирокчи бир нечта спорт турлари бўйича мусобақада иштирок этиши мумкин эмас.

17. Спорт турлари билан мунтазам равища шуғулланиб келаётган талаба ёшлар, юқори кўрсатгичга эга бўлган спорт унвони ва разряди бўлган (спорт усталигига номзодлар, спорт усталари ва ҳалқаро тоифадаги спорт усталари) спортчиларнинг ушбу спорт мусобақаларида иштирок этишлари қатъиян **тақиқланади**. Шундай ҳолатлар аниқланган тақдирда ушбу жамоаларнинг натижалари бекор қилинади ва мусобақалардан четлаштирилади.

Бунда, 1-2-3 катталар спорт разряди, 1, 2, 3-ўсмирлар разряди мавжуд бўлган талаба ёшлар ушбу мусобақаларда иштирок этишларига рухсат берилади. Шунингдек, таълим муассасалари тренерлари ва жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг жамоа таркибида спортчи сифатида иштирок этишлари ҳамда спорт таълим муассасаларида бирор - бир бошқа спорт тури билан мунтазам

равиша шуғулланиб келаётган спортчилар мусобақаларда иштирок этишлари мумкин эмас.

18. Мусобақаларни тартибли ва кенг қамровли ўтказиш Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, уларнинг худудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

19. Спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказишга раҳбарлик қилиш тегишли Ташкилий қўмита зиммасига юкланди.

Шунингдек, барча босқичларда мусобака иштирокчиларини рўйхатга олиш, рўйхатдан ўтказиш, мусобақаларни ташкил этиш, ўтказиш, талабалар иштирокини таъминлаш, ҳамда, мусобақа жараёнида хавфсизлик қоидаларига амал қилиш масалаларига олий таълим муассасалари ректори (директори)нинг Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор (директор ўринбосари) билан бирга ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчилари шахсан масъул сифатида белгиланди.

20. Мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорларини аниқлаш мусобақа қоидалари ва мазкур Низом асосида амалга оширилади.

VI. Мусобақанинг ғолиб ва совриндорларини аниқлаш ва тақдирлаш тартиби.

21. Мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари қўйидаги тартибда аниқланади:

- спорт турларидан шахсий (яккалик) биринчилик якунлари бўйича;
- умумжамоа ҳисобида.

22. Спорт мусобақаларида спорт турлари бўйича якка ва спортнинг ўйинли (жамоавий) турлари бўйича мусобақаларда ғолиб ва совриндорлар қўйидагича тақдирланади:

Мусобақанинг **биринчи** ва **иккинчи** босқичлари ғолиб ва совриндор (жамоа)лари худудий Олий таълим муассасалари томонидан **I, II, III даражали** дипломлари ва эсадалик совғалари билан тақдирланади.

Худудий босқич ғолиб ва совриндор (жамоа)лари Ёшлар сиёсати ва спорт бошқармаси, Ёшлар ишлари агентлигининг худудий бошқармалари томонидан **I, II, III даражали** дипломлар ва спорт кийимлари (экипировка) билан тақдирланади.

Мусобақанинг республика финал босқичида ғолиб ва совриндор бўлган жамоаларни Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги томонидан **I, II, III даражали** дипломлар, медал ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

VII. Спорт мусобақаларини молиялаштириш.

23. Мусобақанинг **биринчи** ва **иккинчи** босқичларида ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросимини юқори савияда ташкил этиш билан боғлиқ бўлган харажатлар олий таълим муассасалари томонидан;

Худудий босқич ғолиб ва совриндор(жамоа)лари Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан;

Республика финал босқичини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тенг улушларда қопланади.

Бунда:

республика финал босқичида жамоаларнинг иштирокини таъминлаш, йўл харажатлари, яшаш ва овқатланиш билан боғлиқ харажатлар Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги томонидан амалга оширилади;

республика финал босқич мусобақаларида ғолиб ва совриндор бўлган жамоаларни тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан амалга оширилади.

24. Спорт мусобақалари ўтказиладиган спорт иншоотлари ва уларни керакли спорт жиҳозлари, малакали ҳакамларни жалб этиш Ёшлар сиёсати ва спорт бошқармалари томонидан таъминланади.

Республика финал босқич мусобақаларига Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан малакали ҳакамлар жалб этилади.

25. Мусобақалар оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилади.

VIII. Талабномаларни бериш тартиби ва муддати.

26. Спорт мусобақаларининг босқичларида иштирокчилар рўйхати 1-иловага мувофиқ жамоа раҳбари томонидан ҳар бир иштирокчи учун тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб (шахсни тасдиқловчи хужжат, 3x4 см. ҳажмдаги сурати, талабаликка қабул қилинганлик тўғрисидаги буйруқ, тиббий кўрикдан ўтганлиги ва саломатлиги тўғрисидаги хужжат) мусобақа ташкилий қўмитасига тақдим этилади.

27. Спорт мусобақаларининг иштирокчилари рўйхати 1-иловада белгиланган шаклда олий таълим муассасалари ректорлари томонидан тасдиқланади.

28. Рўйхатда талаба спортчилар, тренерлар, спорт жамоалари раҳбарлари бўлиши шарт (*1-илова*).

29. Спорт турлари бўйича талабномалар асл нусхаси мандат комиссияларига тақдим этилиши шарт.

30. Мусобақа иштирокчилари ва тренерлар томонидан мусобақа жараёнида ёки жамоа ўртасида тартиб интизом қоидалари бузилган тақдирда, уларга нисбатан мусобақа ташкилотчилари томонидан белгиланган тартибда тегишли чоралар кўрилади.

31. Жамоа аъзоларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги, мусобақа ўтказиш жойларида одоб ахлоқ қоидаларига амал қилишларига мутасадди идоралар билан биргаликда жамоа раҳбари масъул ҳисобланади.

32. Спорт турлари бўйича барча босқич мусобақаларида иштирок этадиган жамоалар мусобақа бошланадиган куни мусобақа бошланишидан олдин бош ҳакам томонидан белгиланган вақтда мандат комиссиясидан ўтишлари шарт.

IX. Низоларни ҳал этиш.

33. Спорт мусобақалари иштирокчилари томонидан Низом талаблари бузилган ҳолларда, мусобақада иштирок этаётган олий таълим муассасаси жамоасининг натижаси бекор қилиниб, ушбу жамоа мусобақадан четлаштирилади.

34. Спорт мусобақаларини ўтказиш жараёнида (*иштирокчи томонидан*) уни ўтказишга тўсқинлик қилинган ҳолларда, жамоа ёки иштирокчи томонидан келиб

чиқадиган барча норозилик бүйича ёзма равишдаги мурожаатлар мусобақа тугагандан сүнг **1 соат муддатда** бош ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилиши шарт.

35. Бош ҳакамлар ҳайъати томонидан норозилик бүйича ёзма равищда тақдим этилган мурожаатлар **24 соат (1 сутка)** ичида кўриб чиқилиб, ушбу ҳолат бүйича ҳуқуқий баҳо берилади.

36. Мусобақалар якунлангандан сүнг **оғзаки ёки ёзма равишдаги норозилик** бүйича мурожаатлар ва ҳар қандай шикоятлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида
олий таълим муассасалари талабалари
ўртасида оммавий спорт мусобақаларини
ўтказиш тартиби бўйича янги таҳрирдаги
НИЗОМга 1-илова

“КЕЛИШИЛДИ”

Ёшлар сиёсати ва спорт бошқармаси

(имзо) (Ф.И.О.)
“___” сентябр 2023 йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

университети ректори

(имзо) (Ф.И.О.)
“___” сентябр 2023 йил

“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида олий таълим муассасалари талабалари
ўртасида ўтказиладиган оммавий спорт мусобақаларида иштирок этувчи
жамоанинг

ТАЛАБНОМАСИ

№	Иштирокчилар Ф.И.О.	3x4 см. ҳажмдаг и сурати	Лавозими (Факультет, гурух)	Паспорт маълумотлари, телефон рақами	Тиббий хулоса
Мини-футбол					
1					
2					
3					
...					
Стол тениси					
1					
2					
Волейбол					
1					
2					
3					
...					
Енгил атлетика					
1					
2					
3					
...					
Стритбол					
1					
2					
3					
...					

Жамоа мураббийи ва тренер

1.					
2.					

“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида олий таълим муассасалари талабалари ўртасида оммавий спорт мусобақаларини ўтказиш бўйича Республика Ташкилий қўмитаси

ТАРКИБИ

Т/р	Исми, фамилияси ва отасининг исми	Лавозими
1.	А.Икрамов	Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ташкилий қўмита раиси
2.	И.Абдураҳмонов	Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялари вазири, Ташкилий қўмита ҳамраиси
3.	А. Саъдуллаев	Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг биринчи ўринbosари, Ташкилий қўмита раиси биринчи ўринbosари
4.	С.Бузрукхонов	Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялари вазири ўринbosари, Ташкилий қўмита раиси ўринbosари
5.	Д. Рахимова	Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазири ўринbosари, Ташкилий қўмита аъзоси
6.	Ш.Моминджанов	Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг бўлим бошлиғи, Ташкилий қўмита аъзоси
7.	Н.Қосимов	Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялари вазирлиги бошқарма бошлиғи, Ташкилий қўмита аъзоси
8.	Лавозими бўйича	Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялари вазирлигининг худудий бошқарма бошлиқлари, Ташкилий қўмита аъзоси
9.	Д.Шамсиддинов	Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг бош мутахассиси, Ташкилий қўмита котиби